

ЗООАНТРОПОНОЗ КАСАЛЛИКЛАРИДАН, ҚУТУРИШНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

Т.К.Газнакулов в.ф.н., катта илмий ходим

*Т.Хазратқулов, в.ф.н., катта илмий
ходим*

Ветеринария илмий тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада юқумли “кутириш” касаллиги тўғрисида йиллар давомида келтирилган патологик материалларни текшириш натижалари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: кутириш, РНК, Бабеш-Негри, люминисцент

Мавзунинг долзарблиги. Зоонтропоноз касалликларидан қутуришш инфекциян касаллик бўлиб бутун дунё бўйлаб ҳайвонлардан одамларга ўтиш окибатида инсон саломатлигига катта хавф туғдиради, ҳамда ҳайвонлар орасида йўқотишларга олиб келади ва катта иктисодий зарар келтиради.

Инфекцион касаликларидан қутуриш касаллиги организм нерв системасига вируснинг таъсир этиши билан ҳарактерланади, уй ҳамда ёввойи ҳайвонларда учраши ҳамда эпизоотия кўринишида одамга ўтади.

Қутуриш бутун дунёда кенг тарқалган бўлиб ушбу касалликдан Осиё Африка ва Лотин Америкасида ҳар йили 50 мингдан ортик, Ҳиндистонда 30 минг одам ва Ер юзида 1 миллионга яқин турли хилдаги ҳайвонлар ўлиши кузатилган. Бу касаллик одамларга 96% ҳолатда итлар орқали юқади. Ҳар йили 15 миллионга яқин одам касаликка қарши мажбурий эмланади.

Қутуриш билан ҳамма турга мансуб уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда одамлар касалланади. Адабиёт манъбалардан маълумки совуқ қонли ҳайвонларлар эса касаликка чалинмайди. Касаллик қўзғатувчи манъба бўлиб, қутурган барча тур ҳайвонлар ҳисобланади. Ёввойи ҳайвонлар (тулки) вирусни табиатдаги барқарор манъбаи бўлишлигини таъминлайди ва табиатда касалликнинг асосий резервуари бўлиб хизмат қилади.

Касаллик қўзғатувчиси Рабдовирус оиласига мансуб РНК сақловчи нейротроп филтёрланувчи вирус касал ҳайвон организмда бош мияда энг кўп миқдорда тўпланади, ҳамда орқа мия, сўлак безлари, сўлак таркибида кўп бўлади. Ҳайвонлар фақат қутурган ҳайвон тишлаган вақтидаги жароҳат орқали зарарланади, вирус сўлак орқали соғлом ҳайвонга ўтиб, касалик қўзғатади. Ҳамма тишланган ҳайвонлар ҳам касалланмаслиги аниқланган. Бу сўлак орқали организмга тушган вируснинг вирулентлигига, титрига, вируснинг кириш

жойига яъни бош мияга яқинлигига, ҳайвоннинг турига, резистентлигига ва ёшига боғлиқ.

Тадқиқотнинг материал ва услублари. Тадқиқотнинг материаллари бўлиб, Самарқанд вилоятининг кўп йиллар давомида (2010-2022 йй) барча туманлари ҳудудларидан вилоят ветеринария лабораториясига, ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда келтирилган, қутуришга гумон қилинган 573 бошдан ортиқ қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонларнинг бош миялари хизмат қилди. Катта ёшдаги ҳайвонларнинг бошлари ва кичик ёшдаги ҳайвонлар, уларга кемирувчилар (мушук, каламуш, сичқон) эса бутунлигича (гавдаси боши билан) йўлланма хат билан ветеринария мутахассиси билан биргаликда келтирилади.

"Қутуриш касаллигига шубҳа қилинган ҳайвонлардан намуналар амалдаги ГОСТ 26075-2013" стандартига биноан олинди ва ҳудудий ветеринария пунктининг ветеринария врачлари томонидан имзоланиб муҳрланган йўлланма билан вилоят лабораториясига жўнатилади.

Тадқиқот натижалари. Лабораторияда қутуриш касаллигига шубҳа қилинган ҳайвонлардан намуналар амалдаги ГОСТ 26075-2013 стандартида белгиланган усулларда текширилади, бунда бош мия ёрилиб, катта ярим шарлар қобиғи, кичик мия биргаликда очилиб калла махсус печга (крематория) га ташланади ва ёқилади. Миядан люминисцент ёруғлик микроскопи учун суртма (мазок) ва биосинов учун пробиркага 10% ли суспензия тайёрланиб қўйилади, иккинчи пробиркага миянинг ҳар хил жойидан олинган бўлакчалар 50% ли глицеринда 3-6 ой сақланади (яқиний диагноз қўйилганга қадар). Ёруғлик микроскоп текшириш учун буюм ойначасига тайёрланган суртмани спирт-эфирда 4-8 соат давомида фиксация қиламиз. Ундан олиб махсус усулларда буяб (Муромцев усули бўйича) ёруғлик микроскоп остида курамиз. Унда Бабеш-Негри таначаларини топсак қутуриш касаллиги тасдиқланади. Люменисцент микроскоп учун суртмани 4-8 соат ацетонда фиксация қилиб ДАФИ (диагностикум антиробический филлерицирующий иммуноглобулин) томизиб йўриқномаси асосида люменисцент микроскопда қараганимизда яшил бинафша нурлар таъсирида қутуриш вирусининг антигени бўлган препаратлар ҳар хил катталиқдаги ва шаклдаги яшил фонда оқ сарғиш рангдаги гранулалар кузатилади, уларнинг катталиги зўрға кўринадиган даражада 15-20 микронгача бўлиши мумкин. Гранулалар юмалоқ, овал ва бошқа шаклда бўлиши мумкин. Ёруғлик ва люменисцент микроскопда текшириш мудати 1 кун. Биологик намуна (биосинов) микроскопда текшириш вақтида уларда Бабеш-Негри таначалари топилмаса ёки тирик бўлмаган гранулалар кузатилмаса, у вақтда оқ сичқонларга (4-6 бош) биосинов қўйилади. Сичқон миясига 0,03 гр. суспензия жўнатилади ва 30 кун давомида кузатилади. Таҷрибадаги оқ сичқонлар махсус

катакларга ёки аквариумга жойлаштирилади. Тажриба куни, вақти, юктирилган сичқонлар сони ёзилади, 14-20 (баъзан кўпроқ) кун ўтгач юктирилган сичқонлар қутуришнинг фалажлик шакли ривожлана бошлайди, бир-бирини тишлаб, гажиб ёб ташлаши мумкин. Ўлган ва касалланган сичқонларнинг бош мия бўшлиғи очилиб, мияси олинади, суртма тайёрланиб микроскопда текширилади. Самарқанд вилоят лабораторияси Вирусология бўлимида 2010-2022 йилларда келтирилган паталогоанатомик намуналардан аниқланган қутуриш тўғрисида маълумот.

Қутуриш касаллиги вилоят, шаҳар ва туманлар кесимида

1-жадвал

| Йиллар | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 |
|---|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Лабораторияга жўнатилган патнамуна сони | 66 | 65 | 56 | 47 | 40 | 32 | 45 | 29 | 59 | 61 | 21 | 20 | 32 |
| Олинган ижобий натижа | 3 | 3 | 3 | 1 | 1 | 1 | 1 | - | 1 | 1 | - | - | - |

Қутуриш касаллигининг лаборатория ташхис усуллари

2-жадвал

| Микроскопик | Серологик | Биосинов |
|--|------------------------------|--|
| Миянинг ҳар хил жойларидан (аммо шохи, катта ярим шарлари, мияча) суртма тайёрлаб бўялади. (Мурумцев усули бўйича) | Реакция иммунофлуоресценция. | Оқ сичқонларни зарарлантириш 10% ли суспензия билан. |

Ҳайвонлар орасида қутуриш касаллиги чиқиши ва тарқалишини олдини олиш мақсадида жамоа, давлат, ширкат ва бошқа ташкилот раҳбарлари ҳамда барча фуқаролар бажариши шарт бўлган тадбирлар:

1. Ит, мушук, мўйнали ва йирткич ҳайвонларни сақлашда уларни сақлаш бўйича қўлланмада кўрсатилган конун қоидаларга қаттиқ риоя қилишлари:
2. Ит, мушук ва бошқа мавжуд ҳайвонларни ўз вақтида профилактик эмлаш:

3. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини, ит, мушукларни қутириш касаллигига гумон қилинган дайди ит, мушуклар ёки ёввойи ҳайвонлар тишлаган ҳолда дарҳол шу ҳудудга хизмат қилаётган ветеринария мутихасисига хабар бериш ҳамда тишлаган ҳамда тишланган ҳайвонларни алоҳида сақлаш тадбирларини кўриш;

4. Одам ҳайвонларни тишлаган ҳар бир ит, мушук ёки бошқа ҳайвон эгаси дарҳол (ташкилот, корхона) ёки махсус ит ушлаш бригадалари ёрдамида текшириш ва 10 кун давомида уни кузатиш учун яқин ветеринария муассасасига келтирилиши шарт;

5. Қутириш касаллиги кайд қилинган аҳоли пункти ветеринария бош врачининг ёзма далолатномасига мувофиқ, туман ҳокимининг қарорига асосан шу касаллик бўйича носоғлом деб эълон қилинади.

6. Қутириш касаллига бўйича носоғлом хўжаликда (манзилда) барча мойил ҳайвонлар қутириш касаллигига қарши эмланади, одам ҳайвонларни тишлаган касал ҳайвонлар мажбуран ўлдирилади, жасадлари эса йўқотилади (қўйдирилади) ёки ветеринария-санитария қоидалари асосида утилизация қилинади.

7. Хўжаликка, аҳоли пунктига қўйилган қутириш касаллиги бўйича чекланишлар охирига касал чиққанига икки ой тўлганидан, ҳозирги қўлланмага мувофиқ соғломлаштириш чора-тадбирлари бажарилгандан кейин ветеринария бош врачининг ёзма тавсиясига асосан ҳокимнинг қарори билан бекор қилинади.

Хулоса. Қутириш касаллигига текшириш учун лабораторияга келтирилган патологик намуналарни анализи ва қўйилган ташхиси ўтган давр ичида йилдан-йилга камайиб бормокда. Бунинг сабаби ветеринария чора-тадбирларини режа асосида олиб боришнинг натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Антонов Б.И. "Справочник лабораторных исследований В Ветеринарии. Вирусные и паразитарные болезни" - Москва, 1987
2. Мартин М. "Исаплан" Методы лаборатории исследований по бешенству. Всемирная организация здравоохранения", Женева, 1975
3. Салимов Х.С., Камбаров А.А., Эпизоотология, Тошкент, 2016
4. Газнакулов Т.К. Литературнқй обзор по истории разветия эпизоотологии и изучения бешенства, Veterinariya meditsinasi jurnali 2023. №:4 Б.7-9.
5. Газнакулов, Т. К., Орипов, А. О., Сафаров, А. А., Хушназаров, А. Х., Давлатов, Р. Б., Абдухакимов, Ш., & Мавланов, С. (2023). ХС Салимов, МК Бутаев, ЗЭ Рузиев,–Биохавфсизлик.
6. Газнакулов, Т. К., Орипов, А. О., Сафаров, А. А., Хушназаров, А. Х., Давлатов, Р. Б., & Абдухакимов, Ш. & Мавланов, С.(2023). ХС Салимов, МК Бутаев, ЗЭ Рузиев,–Биохавфсизлик.

7. Газнакулов, Т., & Хушназаров, А. (2023). Литературный обзор по истории развития эпизоотологии и изучения бешенства. *in Library*, 1(2), 7-9.
8. Газнакулов, Т., & Алламуродова, М. (2023). Болезнь ньюкасла и иммунная активность у птицы результаты при gatr (реакция окончания гемагглютинации). *in Library*, 3(3), 29-31.
9. Газнакулов, Т., Салимов, Х., & Шапулатова, З. (2022). Результаты исследования активности биопрепаратов вакцин, используемых для вакцинации против болезни ньюкасла. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(1), 253-257.
10. Аминжонов, Ш., & Газнакулов, Т. (2023). Препараты для профилактики и лечения ценуроза каракульских овец. *in Library*, 4(4), 336-340.
11. Аминжонов, Ш. М., & Газнакулов, Т. К. (2023). Научно-исследовательский институт ветеринарии, Тайляк, Узбекистан В статье приведены данные по профилактике ценуроза каракульских овец для создания способов получения биосовместимых, безвредных и экологически безопасных антигельминтных средств растительного происхождения. Ключевые слова. ценуроз, антигельминтики, патенты, вакцины, растения, препараты. *ББК 1 А28*, 23.
12. Аминжонов, Ш. М., & Газнакулов, Т. К. (2023). ПРОФИЛАКТИКА ЦЕНУРОЗА КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ. In *Advances in Science and Technology* (pp. 23-26).
13. Аминжонов, Ш. М., & Довгий, Ю. Изучение ларвоцисты *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) в организме у промежуточных хозяев. *Вестник житомирского национального агроэкологического университета*, (1), 7-10.
14. Аминжонов, Ш. М. (2011). Қўйлар эхинококкоз касаллигига қарши вакцинани гематологик текшириш. *Зооветеринария.–Тошкент*, (8), 17-19.
15. Аминжонов, Ш. М., & Аминжонов, М. А. (2009). Эхинококкознинг иқтисодий ва ижтимоий зарари. *Ж.” Зооветеринария*, 7.
16. Аминжонов, Ш. М. (2018). Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш. *Вет. фан. док... дисс. автореф.–Самарқанд: СамВМИ*, 22.
17. Аминжонов, Ш. (2010). Роль дегельминтизации собак при цестодозах. *in Library*, 3(3), 29-30.
18. Аминжонов, Ш., & Аликулов, З. (2023). Роль собак в распространении цистицеркоза овец. *in Library*, 4(4), 62-64.
19. Аминжонов, Ш., & Аликулов, З. (2023). Заражение овец основными цестодами. *in Library*, 3(3), 11-13.
20. Аминжонов, Ш. М., & Аликулов, З. И. (2023). Цистицеркоз и его распространение среди овец.
21. Аминжонов, Ш. (2016). Меры борьбы с эхинококком и ценурозом животных в Узбекистане. *in Library*, 16(4), 58-62.
22. Aminjonov, S. M. (2016). MEASURES AGAINST ECHINOCOCCUS AND COENUROSIS OF ANIMALS IN UZBEKISTAN. *Путь науки*, 1(11), 58-62.

23. Аминжонов, Ш., & Довгий, Ю. (2012). Изучение строения ларвоцисты *Echinococcus granulosus* (Batsch 1786) в организме промежуточных хозяев. *in Library*, 12(3), 7-10.
24. Аминжонов, Ш., Аминжонов, М., Довгий, Ю., & Драгальчук, А. (2012). Морфология личиночной формы *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786). *in Library*, 1(1), 3-6.
25. Аминжонов, Ш. (2012). Некоторые наблюдения по вакцинации собак против эхинококкоза. *in Library*, 1(1), 27-29.
26. Аминжонов, Ш. (2011). Гематологическая оценка эхинококковой вакцины овец. *in Library*, 3(3), 17-19.
27. Аминжонов, Ш. (2011). Распространение цист эхинококка у овец. *in Library*, 1(1), 26-26.
28. Аминжонов, Ш. (2011). Иммуногенность вакцины против эхинококкоза овец. *in Library*, 3(3), 20-25.
29. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2011). Развитие ларвакисты *Echinococcus granulosus* в организмах промежуточного хозяина. *in Library*, 3(3), 3-20.
30. Аминжонов, Ш. (2010). Особенности дегельминтизации собак при цестодозах. *in Library*, 3(3), 93-98.
31. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2009). Эхинококкос. *in Library*, 2(2), 18-19.
32. Аминжонов, Ш. (2009). Об эхинококкозе лошадей. *in Library*, 4(4).
33. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2005). Инфекционные болезни животных и вакцины против них. *in Library*, 2(2), 32-35.
34. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2005). Иммуногенность эхинококковой вакцины овец. *in Library*, 2(2), 32-35.
35. Ата-Курбанов, Ш. Б., Ата-Курбанов, А. Э., Алимова, Г. Н., Аминжонов, М., & Аминжонов, Ш. “Бионорм” ва “биостимулин” комплекс биопрепаратларнинг қуйларни қайта урчитиш фаолиятига таъсири.
36. Салимов, Х. С. (2022). НЬЮКАСЛ КАСАЛИГИГА ҚАРШИ ЭМЛАШГА ИШЛАТИЛАЁТГАН ВАКЦИНАЛАРНИ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ Ғазнақулов ТҚ. ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ 1-қисм, 253.